

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 8-fevral, payshanba

№ 5 (9273)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

“АГРОБАНК” ДАН ЯНА БИР ИЖТИМОЙ ЛОЙИХА – “СУВЧИЛАР МАКТАБИ”НИНГ 2-БОСҚИЧГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ўтган йилнинг 18 апрель куни Президентимиз хузурида “Сув хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш” масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Сувчилар мактаби” ташкил этиш бўйича топшириқ берилган эди. Топшириқ ижроси доирасида Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети ҳамда Агробанк ҳамкорлигида “Сувчилар мактаби” ташкил этилди.



Мактаб фаолиятига 2023 йилнинг 29 май куни старт берилди ҳамда биринчи босқичда беш ой мобайнида 61 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимлари қисқа муддатли курсларда ўқитилди. Ўқитиш 5 та мобиль гуруҳлар ташкил этилиб, махсус жиҳозланган транспортларда туман секторларида жойга чиққан ҳолда ташкил қилинди. Мактабларни ташкил этишда Туркия, Испания, Хитой давлатлари тажрибалари ўрганилди ҳамда ушбу давлатлардан мутахассислар жалб қилиниб, ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқув жараёнига 50 нафардан ортиқ илмий ходимлар, 20 нафар хорижлик экспертлар жалб қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДА инновацияларни барча соҳаларда шу жумладан, қишлоқ хўжалигида фаоллаштириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишга эътибор қаратиб келинмоқда.

БИОДЕХҚОНЧИЛИК ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ МУМКИНМИ?

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ МУМКИНМИ?



Дунё аҳолиси 2050 йилга бориб, 9,7 млрд.га етиши кутилмоқда. Бу эса жаҳон миқёсида кўплаб глобал муаммоларни келтириб чиқаради. 1974 йилда ўтказилган Жаҳон озиқ-овқат саммитида “Озиқ-овқат хавфсизлиги” категорияси тақдир қилинган эди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш халқаро миқёсда сиёсий даражага кўтарилди. Шундай экан, озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиётга боғлиқ ҳисобланади.

БМТ маълумотларида, ер юзи аҳолиси сони “Геометрик прогрессия” бўйича ортиб, афсуски, уларнинг эҳтиёжи “Арифметик прогрессия” бўйича қондирилмоқда. Айни дамда, ер юзида 815 миллион нафардан ортиқ инсонлар оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу рақам 2 миллиард кишига етиши тахмин қилинган. Бу кўрсаткичларни 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини янада яхшилаш, замонага мос агробизнес муҳити ҳамда юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳага бозор механизмлари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш шунингдек, кадрлар салоҳиятини янада ошириш зарур. Ҳаммамизга маълум маҳаллий олимларимиз яратган янги ҳосилдор мевасабзавот, полид, доривор ҳамда озуқабоп

экан навларидан бир неча марта ҳосил олиш учун вертикаль иссиқхона ва кичик гидропоника иншоотларини ўрнатиб чорва, парранда, балиқ ҳамда асалари етиштириш имкониятлари бор. Қишлоқ хўжалиги соҳасида касалликка қарши курашиш, озиклантириш ва парвариллаш бўйича хонадон ҳамда томорқа ер эгаларига услубий ёрдам кўрсатиб, тажриба-синов тадқиқотларини олиб бориш, зарур ҳолларда керакли воситалар билан таъминлаб, деҳқончиликнинг илмга асосланган самарали усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида илм-фанни янги босқичга кўтариш, инновацион ёндашувларни қўллаб-қувватлаш жумладан, биодеҳқончиликни ривожлантириш бўйича мавжуд ёндашувларнинг статистик маълумотларини ўрганиш, рақамлаштириш, иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ-син-

тез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган. Замонавий ёндашувлар асосида мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти барқарорлигига эришиш учун янги серҳосил қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, татбиқ этилишини таъминлаш, тупроқ таркибини ўрганиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича аниқ тақдир ва фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Иқлим ўзгариши натижасида муаммолар кўлами кенгаймоқда, айниқса, озиқ-овқат инқирози вужудга келаётгани ташвишлидир. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот, таълим ҳамда ахборот-маслаҳат хизматларини ўзаро боғлайдиган шунингдек, ахборотларни тарқатишни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар илмга асосланган тизимни юритиш муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларда учраётган тўсиқлар давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқотларнинг натижаларини амалиётда қўллашни сезиларли даражада чеклайди.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ТОШКЕНТ вилоятида ўтган даврда мигрантлар билан тизимли ишлаш натижасида 50 минг нафар киши ўз ватанига қайтарилиб, доимий иш билан таъминланди

ХИТОБ БОШҚА, ШИТОБ БОШҚА

Тошкент туманининг Бунёдкор маҳалласида яшовчи аёл анча йиллар аввал оилавий келишмовчиликлар туфайли турмуш ўртоғидан ажрашган эди. Ҳаётда юз берган ҳодиса унга қаттиқ таъсир қилди. Кучли руҳий тушунлик натижасида оғир изтиробга тушди. Ўзини қўлга ололмай қолди. Ота уйига қайтиб келиш гўё ор-номусини буткул синдириб ташлагандай эди. Севимли ишидан ҳам воз кечиб, уйга қамалиб олди. Ҳеч ким билан гаплашмас, ҳатто яқинларини ҳам уялиб кўргиси келмасди. Энди нима қилишни билмай боши қотаётган, фикрларини қалин туман қоплаган ўша кунларнинг бирида узоқ танишларидан бири қўнғирок қилиб, ҳол сўраган бўлди. Кейин аҳмоқона бир маслаҳат берди. Қийинчиликлардан қутилишнинг бирдан бир йўли хорижга чиқиб кетиш, у ерда мўмай пул топиш эканлигини ўқитди. Соҳиббага (исми ўзгартирилди) бу қутилмаган тақдир гўёки қоронгулик ичиде олиддан миллилаётган шўъла бўлиб туюлди. Туну кун шу ҳақда ўйлаб бошлади. Пул топса, бойиб кетса кейин ҳаммаси изга тушади. Уй олади, машина харид қилади. Шунда ҳамма унга ҳавас қилади. Энг асосийси қадрга етмаган эри афсус қилади. Соҳиббага овсинлари ҳам ҳасаддан куйиб ўлади. Мана шундай саробли ўйлар охир-оқибат қатъий қарорга айланди. Туркияга кетиш истагини қалбига яширинча тугтиб, яқин танишлари, дугоналаридан самалётга билет учун пул йиға бошлади.

Ниҳоят етарли маблағ тўплангач, онасини ўзининг ҳавойи ҳавасларига бир амаллаб ишонтирди. Қўқда парвоз қилиб борар экан, орзулари самолардан ҳам юксак эди. Аммо бегона юртга етиб боргач, ҳаммаси бошқача эканлигини, у ўйлаган ҳашаматлар шунчаки бир хомхаёл эканлигини англади. Идрок этдию, аввалгилардан ҳам кўпроқ, аччиқроқ кўз ёш тўқди. Иш тополмай сарсон бўлди. Кундалик емиши учун нотаниш одамлар хонадониде оғир юмушларни ҳам бажаришга мажбур эди. Кун бўйи тик оёқда олиб, югуриб ишласа-да топгани қорнидан ортмасди. Аҳволдан хабардор бўлган

бир турк йигити шаръий никоҳ ўқитиб, биргаликда яшашни таклиф қилди. Ноиложликдан қўнди. Аввалгилардан бир муддат ҳаёти сал изга тушгандай туюлди. Орада ҳомилдор бўлиб қолди. Фарзанд туғилса она-лавий турмуши янаям яхши бўлармикан, деб ўйлади. Бироқ қизли бўлгач, хорижлик эрнинг асл мақсадлари юзага чиқди. Унинг нияти шунчаки кўнғил хушлик қилиб юриш экан. Келичи камайди, бир оз вақт ўтиб бутунлай қадамни узди. Шу тариқа азоблари баттар орти. Аввалгилари ҳолва экан. Энди икки жон учун олиб, югуриши керак эди. Қизи беш ёшга тўлгунча нималар ўтмади бошидан. Ёлғиз Худогаю, ўзига аён. Аммо ҳеч кимга дардини ёролмади. Қалбини очолмасди. Уйдагилари қўнғирок қилиб, ҳол-аҳвол сўраса, ёлғондан ҳаммаси яхши дердию, юм-юм кўз ёш тўқарди. Дод деворидан баъзўр ўзини тиярди. Йиғиси сабабини соғинчдан дерди. Бир кун тоқати чокларидан сўкилди. Телесиде онасига бор дардини тўқиб солди. Шунча йиллардан бери ҳаммани алдаб келаётганлигини, аслида азоб-уқубат билан бегона юртда зору сарсонгарчиликда баъзўр яшаётганлигини, қайтиб кетишга маблағи йўқлигини айтиб йиғлади. Онаизор эртаси куннўқ ўзи ҳам кўз ёш билан бегона юртда ночор аҳволда қолган фарзандининг оху нолаларини етказмоқ учун туман ҳокимлигига кириб борди. Зудлик билан тегишли чоралар кўришга киришилди. Мутасаддилар мусофирликдаги аёл билан боғланиб, уни ватанга қайтариш учун тезкор чоралар кўрилаётганлигини билдиришди. Тегишли ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан хориждаги дипломатик тармоқ вакиллари Соҳиббани берган манзили бўйича топиб боришди. Унга ва қизига зарур тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиб, юртимизга парвоз қилаётган самалётга чиқариб қўйишди. Соҳиббага қайтиб ўн йил дағдада ўзи туғилиб, ўсган қадрдон хонадонига кириб келди. Уйига қадам қўяркан, тиз чўкиб остонани ўпди, деворларни силади...

(Давоми 3-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ХАЛҚ ДАРДУ ТАШВИШИНИ АРИТИШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚОНУНИЙ МАЊФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШДА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ БЕНИХОҲ КАТТА. ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ХАЛҚНИНГ БЕВОСИТА ДАВЛАТ РАҲБАРЛИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ, ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ ХАЛҚ БИЛАН ДОИМИЙ МУЛОҚОТ ОЛИБ БОРИШИ, ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ХАЛ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ.

3



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

“Фарғона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари таҳририяти 2023 йил октябрь ойида “Бир макон, бир йўл”ни куриш, инсониятнинг ягона тақдирини ҳамжамиятини барпо этиш: Ўзбекистондан назар” публицистик таҳлилий мақолалар танловини эълон қилган эди. Шундан буён таҳририятга қирқга яқин мақолалар келиб тушди ва уларнинг аксарияти чоп этилди.

Уларда икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари ривожини “Бир макон – бир йўл” ташаббуси доирасида таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг давлат ҳамда амалий таширларини чоғида имзоланган шартномалар ижроси Марказий Осиёнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамлашиб бораётгани далиллар билан очиб берилган. 2023 йилда Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги товар айланмаси 13,7 млрд. долларга етган бўлса, жорий йилда у 20 млрд. доллардан ошишига яратилган замин асослари илмий тадқиқ қилинган.

(Давоми 2-саҳифада)



ХИТОБ БОШҚА, ШИТОБ БОШҚА

(Боши 1-саҳифада)

Бугун Соҳиба аввалги соғлом турмуш тарзига қайтган. Ҳаққини ҳис қилган, фаолиятини давом эттирмади. Қийинчиликлар туфайли ҳафакон ва канд касалликларини олтириб олган эди. Унга давлатимиз томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Реабилитация қилиниб, саломатлиги тикланди.

– Ҳаттич йил давомида бегона юрда бошимдан кечирган азоб-уқубатларимни ҳеч кимга раво қўрмайман, – дейди у кўзига ёш олиб муҳожириликдаги кечмишларини хотирлар экан. – Мана шундай хомхаёлда юрганлар бўлса уларга бировларнинг кутқусига учмасликни маслаҳат бераман. Инсон бегона юрда ҳеч қачон излаган имкониятини тополмайди. Ҳақиқий бахт ўз туғилиб, ўсган юртида, танинг сийқатини, хотиржамлигини эълон қилгани афсуслик жуда кеч англаб етдим.

Тафсилотлар андек қўзилса-да, шояд бошқаларга сабоқ бўлса деган умидда ушбу аёл қисматиға батафсилроқ тўхталдик. Чунки бу йўлда адашганлар кўп.

– Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 2 август куни Тошкент вилоятига таширлари чоғида ўтказган видео-селектор йиғилишларида вилоятдан чет давлатларга чиқиб кетган 50 минг нафар меҳнат муҳожирилларини ватанга қайтариш бўйича қарғий топириқ берган эди дейди, – Тошкент вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Зийедбек Йўлдошев. – Ушбу топириқ бу борадаги ишларимизни янада фаоллаштиришида муҳим омилга айланди.

Дарвоқе, селектор йиғилишидан ҳеч қанча вақт ўтмасдан вилоят ҳоқими Зоир Мирзаев раҳбарлигида топириқлар ижросини тизимли таъминлаш мақсадида ҳудуддан хорижда чиқиб кетган меҳнат муҳожирилларини ватанга қайтариш бўйича доимий фаолият юри-тадиган махсус штаб ташкил этилди.

Зоир Тоировичнинг шахсан ўзи барча туман ва шаҳар ҳоқимлари ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида Россияда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган муҳожирил билан онлайн мулоқот ўтказди. Тадбирда вилоятдаги 102 та иш берувчи ҳам иштирок этиб, ўзларида мавжуд меҳнат ўринлари, яратилган шароит ва белгиланган маошлар хусусида аниқ маълумотлар асосида мулоқот қилдилар. Самимий ва ошқора ўтган суҳбат ҳар томонлама самарали бўлди. Аксарият муҳожирил қайтиш истагини билдирдилар. Шу асосда режа жадвали ишлаб чиқилиб, ҳудуддаги барча маҳаллалар кесимида ҳоким ёрдамчилари иштирокида амалий ишлар бошлаб юборилди. Қисқа фурсатда қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида меҳнат муҳожирилларнинг дастлабки 31 минг нафарини ватанга қайтаришга эришилди. Сал вақт ўтиб бу рақам яна ортди. Уйига қайтганларнинг 804 нафари маҳаллий ҳокимликлар кўмаги билан ўз бизнесларини йўлга қўйдилар. 22 минг 700 нафари тақлиф этилган иш ўринларига жойлашдилар. Меҳнат муҳожирилгидан қайтганларнинг 1700 нафари оғир қийинчиликларни бошдан кечирганли-



клари туфайли меҳнатга лаёқатсиз деб топилди. Уларга маънавий, ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Беш минг нафарини бошқа касбга ўргатиш бўйича қайта тайёрлаш, ўқитиш ишлари ташкил этилди. Шу тариқа режа асосида белгилаб олинган барча натижаларга эришилди. Меҳнат муҳожирилларини ватанга қайтариш бўйича айниқса, ижтимоий тармоқ имкониятларидан кенг фойдаланишнинг намунали йўлга қўйилганлиги бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишида муҳим омил бўлмоқда. Вилоят ҳоқимининг мигрантлар билан ишлаш бўйича очилган виртуал офиси – “Migrant TV.uz” каналида муҳожириликка оид зарур материаллар, вилоятда ушбу долзарб масала бўйича қилинаётган ишлар мунтазам ёритиб борилмоқда. Зарурат туғилганда қарғия муҳожирил қилиш бўйича бир нечта манзил ҳамда уларнинг телефон рақамлари кўрсатилмоқда. Тажрибали журналист Марғуба Султонова томонидан юриштирилган мазкур канал айни вақтда ўзининг 15 мингдан зиёд обуначиларига эга. Кузатувчиларнинг аксариятини хорижда юрган меҳнат муҳожириллари ва уларнинг оила аъзолари ташкил этади.

Хорижий давлатларга чиқиб кетган юртдошларимизни ватанга қайтариш борасида бир қатор туман ва шаҳарларда ижобий натижалар бор. Масалан Пискент туманида 2023 йилда хорижда чиққан 542 нафар фуқарони ўз яшаш манзилларига қайтаришга эришилди. Уларнинг 367 нафари иш билан таъминланди. 148 нафари яратиб берилган қулай шароитлар туфайли ўзини банд қилди, 45 нафари мустақил ишга жойлашди, 20 нафари махсус курсларда қайта касб-хунарга ўқитилди, 4 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Яқинда эса туман ҳоқими Нодирбек Ёқубов хорижда вақтинчалик бўлиб турган меҳнат муҳожирилари билан навбатдаги онлайн мулоқотини ўтказди. Янгибод маҳалласи Тинчик кўчаси 37-уйда яшовчи Хотам Эргашев ана шундай дўстона суҳбатлардан сўнг уйига қайтган меҳнат муҳожирилларидан бири.

– Бундан бир неча йиллар аввал ўзимга маъқул иш топа олмаганим сабабли Россияга чиқиб кетгандим, – дейди у. – Албатта, Сибирнинг совуқ иқлимиде, оғир шароитда меҳнат қилиш осон эмас. Ҳар сафар уйга қайтиш истаги туғилганда яна ишсиз қоламанми дея хавотирга тушардим. Туманимиз

ҳоқими ва бошқа мутасаддилар билан бўлиб ўтган онлайн мулоқотдан сўнг тақлифлар ва яратилган имкониятларга ишониб уйга қайтдим. Биринчи кунда-ноқ ҳақиқатда меҳнат муҳожирилари алоҳида эътибор берилаётганлигини ҳис қилдим. Ҳозир банддан кредит олиб, чорвачилик билан шуғулланаман. Топайтган даромадимдан кўнглим тўлаяпти. Энг муҳими, уйда, оилам даврасидаман. Ота-онам, фарзандларим ёнидаман.

Шу маҳалланинг Бирдамлик кўчаси 25-хонадонда яшовчи Доврон Сайинд-хонов ҳам янги йил арафасида 4 йиллик меҳнат муҳожирилгидан қайтиб, бугун ваъда қилинган хусусий корхонада ишлаяпти. Бу ҳақда яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

– Аслида четга чиқиб, туғишанлардан олиб, мураккаб шароитда қора меҳнат билан ўзини банд қилиш ҳеч кимнинг орзуси эмас, – дейди Пискент тумани ёшлар агентлиги раҳбари Диниёр Абдураимов. – Баъзилар кимларнингдир кутқусига учиб, бу йўлни танлаётган бўлса, айримлар вақтида ўзига маъқул даромадли иш топа олганлигидан, эътиборсизликдан меҳнат муҳожирилгига чиқиб кетади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун энг қуйи бўғиндаги ишлар самарадорлигини ошироқдамиз. Ушбу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан жорий этилган маҳаллабай ишлаш тизими ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Бугун туманимиздаги 29 та маҳалладаги ёшлар етакчилари уйма-уй юриб, ёшлар муаммоларини тизимли ўрганмоқда. Ўтказилган хатлов натижаларига кўра ўзини ўзи банд қилиш ниятида бўлган дафтарга киритилган ёшларга зарур иш қуроллари етказиб берилмоқда. Яқинда маҳаллалардаги 10 нафар ишсиз йигит-қизга субсидия асосида ана шундай жиҳозлар топирилди. Ўз вақтида кўрсатилган бундай эътибор ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилади. Уларни бировларнинг кутқусига учиндан, хаёлларига хорижда чиқиб фикрларининг келишидан асрайди.

Ҳа, меҳнат муҳожирига айланиб қолишнинг олдини олиш ва хорижда чиқиб кетган юртдошларимизни ватанларига қайтариш долзарб масала. Биз ушбу мақолада бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилдик. Аммо ҳамма шаҳар ва туманларда ушбу йўналишдаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмоқда, деб бўлмайди. Масалан яқинда Халқ депутатлари Чиноз тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этган вилоят ҳоқими Зоир Мирзаев айнан мана шу масалага алоҳида тўхталиб, туманда 140 мингдан зиёд аҳоли борлигини, шундан 10 минг 500 нафари бугун хорижда мигрант бўлиб турганини таъкидлади ва бу ҳолатни зудлик билан таҳлил қилиб, вазиятни ўнглаш кераклигини тайинлади.

Демак, вилоятда меҳнат муҳожирилари билан ишлаш, уларни ватанларига қайтариш бўйича бошланган саъй-ҳаракатлар бир дам сусаймайди. Зеро, бу жараёнда фақат баланд хитоблар билан иш битмайди. Етарлича шитоб кўрсатиш тақозо этилади.

Иброҳим ТОШЕВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

ХАЛҚ ДАРДУ ТАШВИШНИ АРИТИШ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугун “Халқ давлат органлари-га эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойилнинг амалдаги ифодасини айнан жойлардаги Халқ қабулхоналари мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, биз ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожирилари қабул қилиш, мазкур муҳожирилларнинг тегишли идораларда кўриб чиқилишида қонунда белгиланган муддатларнинг бузилмаслигини ва имкон қадар қонун доирасида ижобий ҳал этилишини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Албатта, муҳожирилларни кўриб чиқишда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожирилари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида фаолият олиб бориб, қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйган идора раҳбарларига нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан прокуратура идораларига тақлиф, қонунбузиш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тақдимнома ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма, аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалар юзасида муҳожирил келиб тушди. Бу 2022 йилга нисбатан 680 тага ёки 7 фоизга кам. Бу сезиларли тафовут бўлмаслиги мумкин. Бироқ аҳоли орасида бўлганимизда, юртдошларимизнинг ҳукуратимиз томонидан олиб бори-

нотинг-ўрганишлар якунига кўра, йўл қўйилган камчиликлар ва қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш ва муҳожирил билан ишлаш юзасидан тегишли давлат идораларига 17 та тақдимнома киритилди ва бунинг натижасида масъул шахсларга нисбатан 16 та “хайфсан” жазо чоралари қўлланилди. Шунингдек, туманларда давлат идоралари томонидан муҳожирилларни кўриб чиқиш жараёнида, қонунда белгиланган муддатларни бузганлик ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Маммурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексининг 43-моддаси билан жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишлик учун туман прокуратурасига 10 та тақлиф киритилди ва 5 та масъул мансабдор шахсларга нисбатан маммурий жавобгарликка оид маммурий ишлар кўзғатилди. Ҳаттич давомийда муҳожирил билан ишлаш, куз-қиш мавсумига тайёрлик кўриш масаласига оид тумандаги идора ва ташкилот раҳбарлари номига 46 та ёзма кўрсатма юборилди.

Шу ўринда айтиш ўтти жонки, 2023 йилда виртуал тизим ва Халқ қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслар томонидан 9368 та масалада муҳожирил келиб тушди. Бу 2022 йилга нисбатан 680 тага ёки 7 фоизга кам. Бу сезиларли тафовут бўлмаслиги мумкин. Бироқ аҳоли орасида бўлганимизда, юртдошларимизнинг ҳукуратимиз томонидан олиб бори-

лаётган туб ислохотлар ва уларнинг самарасидан миннатдорликларига гувоҳ бўлялмиз.

Бундан ташқари, тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ, худудлардаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ҳам ўрганиб бордик ва Халқ депутатлари Чуст тумани Кенгашига туманда муҳожирил билан ишлаш ва ҳоким ёрдамчилари фаолияти бўйича 16 та ахборот киритилди. Ахборотларнинг барчаси бўйича Кенгаш томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қабул қилинган қарорлар натижасида 2 та маҳаллада фаолият олиб борувчи ҳоким ёрдамчилари лавозимида ишловчи ходимларга нисбатан интизомий жазо қўлланилди.

Жорий йилни ҳам катта режа-мақсадлар билан бошладик. Халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний маънафатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган экан, келгуси фаолиятимизда фуқаролар муҳожириллари билан ишлашнинг янада қулай ва самарали усулларини амалга тақиб этамиз. Халқимизнинг ҳаётдан рози яшашларига эришиш, халқ дардиға маълум бўлиш, муаммо ва ташвишларига ечим топиш – энг асосий мақсадимиздир.

Шухратжон ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Чуст туманидаги
Халқ қабулхонаси мудри.

ЁҒИНГАРЧИЛИК НАТИЖАСИДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН СУВ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин қутқарув экипажлари томонидан деярли ҳар кун қутқарув ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 30 январь куни Сергели тумани Жўнариқ кўчасида ёнғингарчилик оқибатида тўпланиб қолган сув аҳоли яшаш уйларига тошиб кетиши натижасида ноқулайликлар туғдирмаслиги учун Ёнғин-қутқарув экипажи томонидан ёнғингарчилик натижасида тўпланиб қолган сув (қўлмак) тўлиқ бартараф этилди.

Ф.РАҲМОНҚУЛОВ,
Сергели тумани ФВБ кичик инспектори,
катта сержант.

➤ Реклама

➤ ЭЪЛОН

МЕРОСХЎРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти Шахрихон тумани “Бувайдо” МФЙда доимий яшаб, 2011 йил 28 мартда вафот этган Маҳмуд ОРИПОВнинг мерос мулкларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси ва “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 49, 50, 51-моддаларига асосан мерос иши очилаётганлиги муносабати билан барча меросхўрлардан қариндошлик, кредиторлардан даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан 1 (бир) ой муддат ичида Андижон вилояти Шахрихон тумани Р.Едгоров кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Маматов нотариал идорасига муҳожирил қилишлари сўралади.

MAXAM - CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

N-34,4%

MgO Magniy

Ca Kaltsiy

Mahsulot sertifikatlangan № UZ. SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz



Турсунбой Файзуллаев. Бу исм-шарифда салобат бор. Салобатки, кучли билим, бой маънавият, катта ҳаётий тажриба, юксак инсоний фазилатлар мужассам бўлган салобат. Агар бу инсонга бир сўз билан таъриф бериш шарт бўлса, бу сўз – "салоҳият" бўлиши мумкин. Зотан, умрнинг саксонинчи довонидан ўтаётган устоз бугунгача қандай мавқе ва мартаба, ҳурмат ва эътиборга эришган бўлса, бунга унинг юксак салоҳияти сабаб бўлди. У ҳаёт ва умрнинг долғали йиллари ва йўлларида фақат ва фақат илмга суянмоқ шартлигини, тўғрилиқдан асло тойинмаслик кераклигини исбот эта олган, инсонийлигини йўқотмаган, аксинча, сийратини ноёб фазилатлар ила безаган инсон...

➤ Тўйхат ўрнида

Наманган

ФАХР ЭТСА АРЗИР СИЗ БИЛАН!

Аслида, устозга ҳар қандай ташбеҳ ярашади. Биз балки денгиздан бир томчи каби сўз бошлагандирми? Бироқ бизни севинтирган жиҳат шу ва ёҳуд не бахти, сиёсий фанлар доктори, профессор, "Эл-юрт ҳурмати" орден ва "Ўзбекистон белгиси", "Олий таълим аълочиси", "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонлари соҳиб Турсунбой Файзуллаев Наманган фарзанди.

Устоз, юқорида таъкидлаганимиздек, саксонинчи баҳорига пешвоз чиққондилар. 1944 йилнинг 18 февралда Чуст туманида таваллуд топган қаҳрамонимизнинг отаси Файзулло Имомов қишлоқ хўжалиги соҳасининг фидойиси эди. Файзулло ота узоқ йиллар туманининг Боймоқ қишлоғидаги колхозни бошқарди. Отасининг ҳалоллиги, меҳнатқилиги, қатъияти, мулоҳазакорлиги, волидаси Салмимахон онанинг илмга чанқоқлиги, софдиллиги, одамжонлигини кўриб улғайган Турсунбой ва унинг тўрт ука-сингиллари ҳаётда ўз ўринларини топдилар. Бунда бош фарзанд бўлган Турсунбойнинг илм йўлини танлагани ҳам қўл келди. Жигарлар унинг изидан боришди, унга муносиб бўлишга интилишди ва бугун улар ҳам ўз ҳурмати, кадр-қимматига эга инсонлар.

Қишлоқдаги мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ёш Турсунбойда тарих фанига қизиқиш уйғонди. Бунга амакиси Валижон Имомовнинг мактабда шу фандан сабоқ бергани сабаб бўлгандир, эҳтимол. Мактабни тугатгач, Наманган педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат университети) га энг юқори натижа билан ўқишга кирди. Бу ўқувчилик йиллари пахта яккаҳоқимлиги даврига тўғри келган, таҳсил оиларининг аксар вақти пахта далаларида ўтган йилгит учун катта муваффақият эди.

Талабаларнинг кўп даври яна пахта йғим-теримида боғлиқ ҳолда ўтган бўлса-да, у тендошлари орасида ўзини, билимини, ташаббускорлигини кўрсата олди. Ундаги фикран теранил институт раҳбариятининг назаридан четдан қолмади. Кўп ўқигани, ўқиётгани шундоқ юз-қўздан сезилиб турган талабани илмий-амалий конференциялардан тортиб, мамлакат ва вилоят раҳбарияти вакиллари билан учрашувларга ҳам жалб этишарди. Бунда ҳам ҳикмат бор экан, бундай фаоллик ундаги масъулият ҳиссини чархлар бораверди.

1965 йилда институтни тарих, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган Турсунбой Файзуллаевнинг шу даргоҳда ишга олиб қолишиди. Орада ҳарбий хизматни ҳам ўтаб қайтди. 1971 йилда уни Наманган шаҳар партия кўмитасида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири этиб тайинлашди. Салкам 7 йилга яқин шу вазифани аъло даражада уддалаган бўлса



ҳам, унинг қалби илм иштиёқи билан ёнар эди. Илмий изланишлар олиб бориш, илмий ишани ёқлаш, фанга янгиликлар тақдим қилиш мақсади унга тинчлик бермасди. Бу борада унга кўпроқ умр йўлдоши Турсунхон ая таянч ва далда бўлди. 1977-1980 йилларда Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасида таҳсил олган Турсунбой Файзуллаев шу йили кадрдон жамоаси бағрига қайтди – Наманган давлат педагогика институти катта ўқитувчиси сифатида фаолиятини бошлади.

Кейинги йилларда, аниқроғи, 1985 йилга қадар институтда доцент, тарих факультети декани вазифасида ишлади. Шу йилдан яна уни партия ишига жалб этишди. Уч йил Наманган вилоят партия кўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, яна икки йил вилоят партия кўмитаси мафкура бўлими мудири, мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларда, яъни 1990-1991 йилларда вилоят партия кўмитаси биринчи котибининг ёрдамчиси вазифасида иш олиб берди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмасак бўлмас. Турсунбой Файзуллаев чехрасида, нигоҳларида, юрагига Ватаннинг, мустақил Ўзбекистоннинг кечая бугунининг сурати бор, тарихи битилган зарвараклари бор. Бу инсон собиқ тузумнинг темир тизими турмуши-ю, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш оstonасидаги таҳликали лаҳзаларига гувоҳ. Бу йилларда ҳаёт уни синовларга солмади, дейсизми? Солди. Айни шу лаҳзаларда отасининг бир сўзини юрагига ўйиб ёзиб олгани фойда берди. Отаси у талаба бўлган илк пайтда шундай деган эди: "Ўғлим, бу – ҳаёт, унинг эгри кўчаларида юрсанг ҳам, доим тўғри юрин!". Бу сўзлар кўпинча унинг ёш дафтрасида илк саҳифасида, ёзув столи устида бўларди. Ҳар гал унга кўзи тушганида, кимнинг, қандай инсоннинг зурриёди эканини янада тиниқроқ англаб ва шунга монанд иш тутарди.

Дарвоқе, Турсунбой Файзуллаев 1991 йилда Наманган давлат педагогика институтининг маънавий ишлар бўйича проректори этиб тайинланди. 1993 йил бошида Наманган давлат педагогика институти университетга айлантирилди. Бу республика олий таълим тизимидаги жуда катта таркибий янгилик эди. Албатта, бундай янги мақом оддий ассистентдан бошлаб, институт рабарларига янги ва кучли масъулият билан ишлашни тақозо қилар эди. Университет талабаларга нафақат касбий билим берувчи даргоҳ, балки вилоятнинг тўғриқилий ўқув юрти сифатида илм-фан маркази ҳам бўлиши керак эди. Шу боис университетда бир қатор йўналишлар бўйича аспирантура очилди. Ёш, иқтидорли мутахассислар етакчи олий ўқув юртиларига аспирантура ва докторантурага юборилди.

– Устозимиз Турсунбой Файзуллаев Наманган давлат университетида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган даврларда шундай катта илмий мактаб яратдиларки, натижада ўнлаб фан докторлари, профессорлар етишиб чиқди, – дейди тарих фанлари доктори, профессор Абдулла Расулов. – Домла кимнинг нимага иқтидори бор, кимнинг салоҳияти нимага етади, бунга жуда яхши билар ва тўғри чамалай оладилар. Ўша, мураккаб 90 йилларда ҳам жуда кўп ёш мутахассисларни бир қатор чет давлатларга малака ошириш, илмий изланишлар олиб бориш учун жалб этидилар. Жуда кўп бўлажак ёш олимларнинг илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишлари учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бердилар. Мен ҳам устознинг мана шундай эътибори ва қўллаб-қувватловидан баҳраманд бўлган шогирдлардан бириман. Устознинг умрлари узоқ бўлсин. Яна узоқ йиллар ўз илм булоқларидан шогирдларни, талабаларни баҳраманд этиб юраревсинлар!

Дарҳақиқат, шуни ҳам унутмаслик керакки, ўша – мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллари халқимиз учун тикланиш, янгилик, ўзликка қайтиш даври бўлганини кўпчилик яхши эслайди. Айни шундай паллада Турсунбой Файзуллаев каби илмий, сиёсий дунёқараши кучли инсонлар ҳукумат учун сув ва ҳаводек зарур эди. Шу сабабдан устоз 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитаси котиби вазифасида ишлади ва уч йил давомида бу вазифани сийқидилдан адо этди.

– Одамлар орасида бўлиб, халқ дарди билан яшаш устоз Турсунбой Файзуллаевнинг фитратига хос, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Баҳодир Юсупов. – Бу фикрни унинг аввалкор, яъни 1972-1977 йилларда Наманган шаҳар Кенгаши халқ депутати, 1985-1994 йилларда Наманган вилояти Кенгаши халқ депутати сифатида сайлангани ҳам тасдиқлайди. Халқнинг қайта ва қайта ишонч билдириши устознинг депутат сифатида халқ дарду ташвишини аритиш йўлида куйиб, ёнганидан далолат беради. Турсунбой ака 2004 йилдан буён қайта ва қайта Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати этиб сайланиб, халқ ишончини оқлаб келмоқда. Айниқса, устознинг 1994 йилдан 2004 йилга қадар I ва II чакирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида самарали фаолият олиб бурганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу даврда халқ манфаатига хизмат қилувчи жуда кўп қонун ҳужжатларининг яратилиши ва қабул қилинишида унинг ҳам хизмати катта бўлди.

Наманганлик илм аҳлига яхши маълум, 1999 йилда Турсунбой Файзуллаев Наманган давлат университети ректори этиб тайинланди. Бу университет жамоаси учун омад эди гўё. Чунки шу йилнинг май ойида Наманганда илк бор олий таълим тизими талабалари ўртасидаги университетда ўқитилар бўлиб ўтди. Универсиада аъло даражада ўтди, Наманган давлат университети голибликка

эришди. Универсиаданинг ёпилиш маросимида Президент совғаси сифатида автомобиллар топширилди. Бунда Турсунбой Файзуллаевнинг алоҳида хизмати, ҳиссаси бор эди. Қолаверса, ўша даврдан бошлаб университетда водийда биринчи бўлиб, юриспруденция, астрономия, тупроқшунослик, халқ амалий санъати каби йўналишлар очилдики, бу ташаббусларнинг амалга ошишида ҳам айнан Турсунбой Файзуллаев бош бўлди.

2005 йилда нафақага чиққан бўлса-да, университетнинг Ўзбекистон тарихи, тарих, Ватан тарихи ва архившунослик кафедралари профессори сифатида фаолият юритиб келаётган устоз босиб ўтган йўлни батафсил ёритмоқ учун кўп вақт керак бўлади. Ҳаёт масъулиятли вазифаларда эл-юрт равнақи, илмий авлодни камолга етказиш йўлида бутун куч-ғайратини бахшида этаётган Турсунбой Файзуллаевнинг ҳаёти бутун бир мазмунли китоб бўлишга арзиғулик. Негаки, устознинг узоқ йиллар давомида Республика Олий Кенгаши ва маҳаллий Кенгашларда депутат сифатида қонунчиликни янада тақомиллаштиришга ўзига хос ҳисса қўшгани, муҳим сиёсий жараёнларда ниҳоятда масъулиятли вазифаларда иш олиб бургани, мамлакат раҳбарларининг муносиб этирофи ва ҳурматиға сазовор бўлгани ҳақида ҳар қанча илқ фикрларни айтсак ҳам, асло муболага бўлмайди.

– Турсунбой ака Файзуллаевнинг ўта камтарлиги, ҳокисорлиги, ниҳоятда кучли билимга эга эканлиги доим ҳавасимизни келтиради, – дейди "Нуронийлар" жамоатчилиги кенгаши Наманган вилояти бўлими раиси Икромхон Нажмиддинов. – Устоздан ҳар қандай масалада маслаҳат сўрашга одатланганмиз. Ҳар доим тўғри йўлни кўрсатганлар. Уларнинг ўғитларига амал қилиб, ҳеч ким кам бўлмаган. Устоз каби инсонларни юртимиз бағридаги энг бебаҳо ғавҳарлар деб атагимиз келади. Турсунбой ака Файзуллаев Наманганнинг чин маънодаги фахру ифтихоридир.

Бутун Турсунбой ака Файзуллаев университетимиздаги ўнлаб ихтисослашган илмий кенгашлардан бирининг раиси. У кишининг ёш таққикотчиларни қўллаб-қувватлаши, жамоани, ёшларни ўз ортидан эргаштири олиши, устоз сифатидаги барча хислатлари таҳсинга лойик.

Шу ўринда устознинг оиласи ҳақида ҳам сўз юритишни лозим топдик. Ёши улуглар яхши англашадикки, ҳаётда тушунган, билими, тарбияли умр йўлдош бўлиши ҳам – Яратганнинг буюк инояти. Устозга ана шундай чин маънодаги турмуш ўртоқ насиб этди. Раҳматли Турсунхон хожи она – ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, директор ўринбосари, мактаб директори сифатида халол меҳнат қилган, касбини жуда севган аёл эдилар. У керак пайтда ўз орзуларидан, истакларидан умр йўлдошининг келажаги учун ҳеч иккиланмай воз кечган эди. Чунки у оила устунга – ота ҳар жиҳатдан кучли бўлса, фарзандлар ҳам у каби бўлишини яхши билган, шунинг учун ҳаракат қилган эди. Профессор Турсунбой Файзуллаевнинг эи ичра азиз, шогирдлар ичра эҳтиромда бўлишига унинг умр йўлдоши сабабчи десак, устознинг ўзи ҳам эътироз билдирмас керак.

Ҳа, мана шундай соф туйғулар барқарор оилада улғайган фарзандлар эл корига ярайдиган кишилар бўлишиди. Гулноҳорон онаси изидан бориб, ўқитувчилик касбини танлади. Узоқ йиллардан буён Наманган шаҳридаги 81-умумтаълим мактабда рус тили ва адабиётдан дарс берапти, "Халқ таълими аълочиси".

Улугбек – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, ҳуқуқшунос, Президент бошқарув академиясининг халқаро иқтисод магистратурасини битирган. Кўп йиллар вилоят ҳокимлигида масъул вазифаларда ишлаган. Ҳозирда Наманган муҳандислик технология институти катта ўқитувчиси. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига ва доцент илмий унвонига эга.

Алишер – инженер-механик, иқтисодчи. Тошкент давлат иқтисодий университетининг банк мутахассислиги магистратурасини битирган. Кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори, Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган. Ҳозирда Ўзсаноатқурилишбанк администрация раҳбари бўлиб ишламоқда.

Азиз устоз, юрт таракқиётида муносиб ўрни борлиги учун эл эҳтиромига сазовор нуроний, фарзандлари ортидан "Сизларни тарбия қилган отангизга раҳмат!" деган сўзларни эшитаётган бахтиёр ота, шогирдларга берган билими тўғрисида улар ҳурмати оғушидаги устоз сифатида биз учун ниҳоятда қадрлиси.

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин, қадрли Турсунбой Файзуллаев! Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин! Сизнинг борлигингиз – биз учун бахт. Сизнинг ҳаётингиз эса ҳар бир инсон ўрناق ола бўладиган чинакам саодатли умр йўлидир.

Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети
ректори, педагогика фанлари доктори,
профессор.

➤ 9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

АЛИШЕР НАВОИЙ – АСРЛАР ДАҲОСИ

Маълумки, улуг мутафаккир Алишер Навоий ижоди адабиёт, маданият ва илмнинг ривожланишига юксак ҳисса қўшган. У нафақат буюк шоир ва ёзувчи, балки энциклопедист олим ҳамдир. Навоийнинг асарлари ўзбек адабиёти аъёналарининг асоси бўлди ва кўпгина ёзувчи ва шоирларни ижодий руҳлантирди. У ўзининг асарларини яратишда турк тилини биринчи марта қўллаган адибдир. Бу унинг асарларини кенг оммага етказишга имкон берди.



Навоий шунингдек, фаол давлат арбоби ва дипломат бўлган. У Темирўйлар хизматида юқори лавозимларни эгаллаган ва халқаро музокара-ларда иштирок этган. Навоийнинг дипломатик фаолияти минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам берган.

Энг юқори мансабларга кўтарилган ва беҳисоб ерларга эга бўлган Мир Алишер Навоий жуда бой инсонга айланган. Ҳазрат Навоий ўз даромадини тежаб-тергаб, бунёдкорлик ва хайр-саховат ишларига сарфлаган. У бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишлари билан сидқидилдан шуғулланган: масжид ва мадрасалар, хонақоҳлар ва шифохоналар, ҳаммом ва ҳовузлар, кўприклар қурдириб, боғлар яратган. У "Вақфия" асарига ўзига қарашли бўлган ер, узумзорлар, боғлар, борзорча ва дўконлардан келадиган даромад Гузаргоҳ тоғи ёнида қурдирган масжид, мадраса, хонақоҳ, қорихоналардан иборат бинолар мажмуасини таъминлаб туришга ажратилганини ёзиб ўтган. Унинг ёрдами билан нафақат Хуросонда, балки Эроннинг бошқа вилоятларида, айниқса, Астро-бодда 370 та бино қурилган ёки қайта тикланган. Аммо Мир Алишер кўпроқ ўзининг сеvimли шаҳри Ҳиротда қуриш ишларини амалга оширишни ёқтирган, айниқса, унинг шимолӣ қисмидаги Ихлосия туманини жаннатий боққа айлантириб юборган. Замондошлари амирнинг чопони барини қайтариб олиб, қуриши маъдончасида юриши, меъморлар ва қурувчилар ишининг нозик қир-раларини илғаб олишга ҳаракат қилишларини хайрат ва завқ билан ҳикоя қилишган.

А.Навоий нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки миллатнинг қаҳрамонидир. Унинг фалсафий асарлари дунё ва инсон ҳаётига назар солишни ўргатади. Навоий асарларида сеvги, дўстлик, адолат, донишмандлик, одоб-ахлоқ мавзулари кенг ёритилган. Унинг асарлари ўзликни ва атрофдаги дунёни яхшироқ англашга ёрдам беради. А.Навоий инсонларни бир-бири билан тинчлик ва тотувчиликка яшашга даъват этган инсондир. Унинг ижоди олимлар ва адабий танқидчилар томонидан юқори баҳо олган. Навоий асарларини қайта-қайта ўқиймиш ва ҳар гал улардан янги-янги маънавий озуқа оламиз. Унинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва ҳозир-гача ўзининг долзарблиги ва жозибдорлигини йўқотмаган.

Ф. ШОКИРОВА,
ТТА катта ўқитувчиси.

➤ Эълон

Югай Софья Васильевна номига 1993 йил 28 июнда берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи 04-01/19170 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Азизова Мухаббат Худайназаровна номига 1993 йил 17 майда берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи 00-21/3002 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Талевин Ростислав Георгиевич номига 1993 йил 15 январда берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи 01-02/2665 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Шамсиева Халима Гуламовна номига 1993 йил 12 январда берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи 09-02/2767 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi
ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **ЧОРИ ЛАТИПОВ**
Таҳрир хайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раймқул СҲАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-217. 1811 нусхада chop этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қийраб тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru. Баҳоши келишилган нархда.
Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00